Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori i... DOI: 10.5281/zenodo.24317681

xavfsizligini ta'minlash kabi masalalar kiberxavfsizlikning asosiy maqsadlaridan biridir.

Xulosa. Ushbu maqolada keltirilgan fikr-mulohazalar kiberxavfsizlik sohasidagi muammolarni yanada chuqurroq o‘rganish va ularni bartaraf etish yo‘llarini aniqlashga yordam beradi. O‘zbekistonning ushbu yo‘nalishdagi tajribasi, xalqaro hamkorlik va innovatsion texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha tashabbuslari yurtimizda xavfsiz raqamli infratuzilmani yaratishda muhim qadam bo‘lib xizmat qiladi. Kiberxavfsizlikni ta'minlash faqatgina texnik choralarga bog‘liq bo‘lib qolmay, balki bu jarayon har bir fuqaroning raqamli savodxonligi, huquqiy ongini oshirish hamda axborot madaniyatini yuksaltirish bilan ham bog‘liqdir. Har bir kishi, kompaniya va davlat ushbu muhim masalaga birdek e'tibor qaratishi kerak. Zero, faqatgina hamkorlikda amalga oshirilgan ishlar orqali biz zamonaviy dunyoning murakkab tahdidlariga munosib javob bera olamiz va xavfsiz raqamli kelajakni quramiz.

Foydalanilgan Adabiyotlar:

1. **Xolmirzaev, R. M. (2018*).*** *Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik.* Tashkent: “Fan” nashriyoti.
2. **Jumaev, A. T. (2020).** *Sun'iy intellekt va kiberxavfsizlik: Yangi imkoniyatlar va xatarlar*. Tashkent: O‘zbekiston Milliy Universiteti nashriyoti.
3. **Baxramov, M. B., & Iskandarov, K. N. (2021).** *Kiberxavfsizlikni ta'minlashda sun'iy intellektning o‘rni*. Tashkent: Innovatsiya va raqamli texnologiyalar sohasidagi tadqiqotlar.
4. **Shukurov, A. I. (2019).** *Kiberxavfsizlik: Asosiy tamoyillar va amaliyot*. Tashkent: Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti nashriyoti.
5. **Mamatov, N.M. (2022).** *Raqamli xavfsizlik: Sun'iy intellekt va avtomatizatsiya*. Tashkent: O‘zbekiston Milliy Axborot Texnologiyalari Instituti nashriyoti.
6. Z.Suyarov, U.Po’latov. Kiberxavfsizlik kundalik hayotimizdagi ahamiyati va huquqiy jihatlari. Miasto PrzyszłościKielce 2024. B-1592-1595.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Каримов Музаффар Абдумалик ўғли
Андижон давлат университети

153

Published: 24.05.2025

Cite this article: Каримов Музаффар Абдумалик ўғли (2025). Олий таълим муассасалари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш. Emro Science and Education, 2(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317681

© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

мустақил тадқиқотсичи,
и.ф.ф.д (PhD)., донеқт.
E-mail: karimov8993@umail.uz

Аннотация. Ушбу мақолада Олий таълим муассасалари инновацион бошқарувидаги асосий масалалари ва инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, олий таълим тизими бошқарувида ташкилий-иқтисодий механизм олий таълим муассасаларини ташкилий ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашга қаратилган масалаларга ҳам урғу берилган.

Калит сўзлар. инновацион бошқарув механизми, бошқарув усуллари, инновацион жараён, самарали бошқарув, ўқув-услубий бошқарма.

Олий таълим муассасалари инновацион бошқарувидаги асосий масалалардан бири таълим даргоҳига мос бўлган ташкилий-иқтисодий бошқарув механизмини ишлаб чиқиб, бошқарув жараёнида ташкилий бошқарув ҳамда иқтисодий бошқарув тушунчаларини бир-бирига мувофиқлигини таъминлаб олишдир. Инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ташкилий ва иқтисодий шакллардаги элементлардан ташкил топган. Демак, бошқарувни инновацион ташкил этишда иқтисодий ҳамда ташкилий тусдаги элементларни шакллантириш лозим ҳамда уларни қуйидаги вазифаларини ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- инновацион бошқарув механизмининг мақсадлари,
- инновацион бошқарув механизмининг вазифалари белгилаш;
- инновацион бошқарув механизмининг тамойилларини аниқлаш;
- бошқарув механизмининг ишлаш шартлари ва омилларини аниқлаш;
- инновацион бошқарувда иштирокчиларини аниқлаш;
- инновацион бошқарув усуллари, услублари ва воситаларини ишлаб чиқиш;
- бошқарув самарадорлигини аниқлаш;
- инновацион бошқарув давомийлигини таъминлаш;
- бошқарув натижаларига асосан мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш;
- инновацион бошқарувга доир стратегияни белгилаш ва бошқалардан иборат.

Ташкилий-иқтисодий элементлар ва уларни вазифаларини таъминлаш асосида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини асосий вазифаларини кўриб чиқиш лозим ҳамда улар қуйидагилардан иборат:

- инновацион бошқарувда ташкилий тузилма элементларини интеграциясини таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар заминини яратиш;

- самарали бошқарувни ташкил этиш мақсадида бўлинмалар фаоллигини ошириш ва элементлар ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлаш;

- айрим қарорларни инновацион таваккалчилик асосида қабул қилиш тизимини жорий этиш;

- бошқарув усуллари ва тамойилларини ўзаро уйғунлагини шакллантириш;

- олий таълим муассасаси ички ва ташқи муҳитини барқарорлигини ошириш, шунингдек муассасада самарали ривожланишни таъминлаш ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмига давлат бошқарув органлари ва муассасанинг ички муҳит омилларини бошқарувга таъсир даражасини эътиборга олиш зурур. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари ташқи муҳит сифатида бошқарув субъекти, ташкилот ва ташкилотдаги бўлимлар ички муҳит сифатида бошқарув объекти бўлиб иштирок этади. Бошқарув субъекти таълим тизимини ислоҳ қилишга, инновацион ривожланишга ва жараённи тизимли давомийлигини таъминлашга доир қонун ва қонун ости ҳужжатлар асосида, бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш орқали бошқарув объектига таъсир кўрсатилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар таълим тизими мақсади ва олий таълим муассасаларининг мақсадларидан келиб чиқиб, инновацион бошқарувда бошқарув субъекти сифатида иштирок этади. Олий таълим муассасалари бошқарув субъекти томонидан қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий хужжатлар, бошқарув усуллари ва воситалари асосида бошқарув объекти сифатида ижро механизмини ташкил этади. Ижрони таъминлаш жараёнида бошқарувнинг ташкилий ва иқтисодий механизми муҳим аҳамият касб этади. Ички бошқарув тизимида олий таълим муассасасининг раҳбарияти бошқарув субъекти сифатида иштирок этиб, бошқарув бўлимларига асосий фаолият ҳамда истиқболли режалар бўйича вазифаларни тақсимлайди. Айнан шу жараёнда бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмига “Инновацион жараён”ни ташкил этиб, унинг иштирокини фаоллаштириш лозим.

“Олий таълим муассасалари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми”дан кўриш мумкинки, Давлат, тегишли вазирлик, яъни “Инновацион жараён”да қарор қабул қилиб, уни ижросини таъминлаш натижасида “инновацион бошқарув” ва “инновацион таълим” натижадорлиги

юзага келади. Инновацион жараённи фаоллигини ошириш, бошқарувда ташкилий-иқтисодий механизмни оптималлаштириш, ижро самарадорлигини ошириш ҳамда кўзланган мақсадга эришиш аниқлигини ошириш мақсадида олий таълим муассасаларида “Инновацион бошқарув” бўлимини ташкил этиш лозим. Ушбу бўлим олий таълим муассасалари бошқарувида ташкилий-иқтисодий механизмни оптимал ишлари, барча бўлинмалар фаоллигини ошириши, бошқарувда ҳар бир жараёнга янгича ёндашиши, бошқарув тамойилларини доимий қўллаши ҳамда ижрони тўлиқ таъминланишини назорат қилиши билан энг асосий бўғин бўлиб хизмат қилади. Натижада олий таълим муассасалари инновацион бошқарув самарадорлигига эришиб, юқори илмий салоҳият, рақобатбардош кадрлар, ташкилий самарадорлик ва инновацион ёндашувлар асосида самарали бошқарувни ташкил этиб, олий таълим муассасасида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми оптимал ишлаши таъминланади.

Хулоса ўрнида шуни маълум қилиш жоизки, олий таълим тизими бошқарувида ташкилий-иқтисодий механизм олий таълим муассасаларини ташкилий ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, эришишга бошқа таълим даргоҳлари орасида устун мавқега эга бўлишга хизмат қилиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Суровицкая Г.В. Формирование инновационного механизма развития систем менеджмента качества университетов спецалыюсть 08.00.05-Экономика и управление народным хозяйством (Стандарпвация 11 унравлснис качеством продукщш) Автореферат дисссртации на соискание учченой степени доктора экономических наук. Сараиск-2012.;

2. Ибодова З.Х. Организационно-экономические механизмы обеспечения инновационного развития вуза на рынке образовательных услуг. Специальность 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами-сфера услуг) диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Душанбе-2017.;

3. Курдова М.А. Развитие системы и механизмов управления устойчивостью высшего учебного заведения Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством: менеджмент Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Пенза-2015;

4. Ю.М.Беляев. Инновационный менежмент. Учебник. Москва. Издательско-торговая корпорация “Дашков и К” 2020 // https://znanium.com/read?id=358505;

6. Resolution of the Cabinet of Ministers of March 29, 2021 No. 163 “On measures to organize dual education in the professional education system”.

7. Синицын Ю. Н. Дуальное обучение как часть постиндустриального образования. “Дуальное образование: опыт, проблемы, переспективы” Всероссийский научно практическая конференция. Кроснадар 2019 г. Ст 6-11.

МОДУЛЬНОЕ ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ВУЗА

Мухитдинова Феруза Рахматулла кизи,
преподаватель Андижанского факультета
Ташкентского государственного
экономического университета

В настоящей статье приводятся основные методические положения и требования к разработке и реализации модульной программы обучения английскому языку в учебно-воспитательном процессе экономического вуза.

Ключевые слова: модульное обучение, модульная программа, принципы модульного обучения, модуль.

The article introduces basic methodical principles and requirements for designing and implementing a modular English language training program for high economical schools.

Key words: modular training, modular program, modular training principles, module.

Мақолада иқтисодиёт олий ўқув юртларининг таълим-тарбия жараёнларида инглиз тилини ўргатишнинг модулли дастурини яратиш ва татбиқ этишнинг асосий талаблари ва усуллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: модулли таълим, модулли дастур, модулли таълим принциплари, модуль.

Глобализация в политико-экономической сфере, существенным образом усиливая межгосударственные интеграционные процессы и создавая новые сферы социальной активности человека, оказала большое влияние и на сферу образования. Многие экономические вузы активно вступили в международное научно-образовательное пространство и приступили к расширению